АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА АҲОЛИНИНГ ЎРТАЧА УМР КЎРИШ ДАРАЖАСИ ҲАҚИДА

З.А.ТЕМИРОВ

В статье предпринята попытка вычисления продолжительности жизни населения Андижанского вилоята с использованием метода, применяемого в исследованиях зарубежных демографов.

In this article undertaken attempts calculating duration life of urban Andijan region by using the methods, applying the research by foreign demographers.

Маълумки, аҳоли саломатлик даражасини ошириш, умумий ва болалар ўлимини камайтириш асосида ўртача умр кўриш муддатини ошириб бориш ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-демографик сиёсатида устувор аҳамиятга эга. Зеро, айнан ана шу кўрсаткичлар мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи бош мезонлардан энг муҳими сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилган. Шу мақсадда жаҳон социологлари, соғлиқни сақлаш ҳодимлари, демографлар ва бир қанча олимлар томонидан қўлланилган метод ёрдамида Андижон вилояти аҳолисининг ўртача умр кўриш даври ҳисобланди.

Аҳолининг ўртача умр кўриш даврини узайтириш учун, аввало, инсон саломатлигига эътиборни кучайтириш керак. Чунки инсон саломатлиги жамият тараққиётининг ҳар бир даври учун кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Қолаверса, асрлар давомида кишилик жамиятининг мислсиз ривожланиб бориши аҳоли саломатлигини чекловчи ва унга хавф туғдирувчи янгидан-янги муаммоларни вужудга келтирмоқда. Уларнинг ечими эса бугунги кунда бутун инсоният олдида катта аҳамият касб этмоқда.

Аҳоли ўртасидаги ўлим ва ўртача умр кўриш муддати бир-бири билан боғлиқ. Демографияда аҳолининг ўртача умр кўриш даври деганда муайян йилда туғилган аҳолининг ўртача яшаш имконияти тушунилади. Бундай имконият ўлим кўрсаткичлари берилган жадваллар асосида аниқланади. Ўртача умр кўриш даври ҳисобланганда, ана шу авлоднинг бутун яшаш даврида аҳоли ўртасида ўлим барча ёш гуруҳларида жорий йилдаги даражада сақланиб қолади деб шартли равишда тахмин қилинади.

Андижон вилояти аҳолисининг ўртача умр кўриш ёшини ҳисоблаш учун, аввало, вилоят аҳолисининг ёш гуруҳлари бўйича ўлими ҳақидаги маълумот бўлиши керак. Ушбу маълумотлар асосида “Ҳаёт таблицаси” жадвали орқали аҳолининг ўртача умр кўриши ҳисоблаб чиқилади.

Жадвалнинг биринчи устунига вилоят аҳолиси орасидан ёш гуруҳлари бўйича ўлганлар сони ёзилади.

“Ҳаёт таблицаси”

Ёш гуруҳи	nd x	n l x	n L x	n T x	nM x	nq x	nPx	nE x
0-1	534	10000	99599	7735271	0.00536	0,00534	0.99466	**77.4**
1-4	339	99466	397152	7635672	0,00085	0,00339	0,99661	76,8
5-9	87	99127	495417	7238520	0,00017	0,00085	0,99915	73,0
10-14	97	99040	494357	6743102	0,00020	0,00095	0,99905	68,0
15-19	136	98949	494375	6248745	0,00027	0,00135	0,99973	63,2
20-24	202	98807	493530	5754370	0,00041	0,00204	0,9865	58,2
25-29	257	98605	492382	5260840	0,00052	0,00259	0,99741	53,3
30-34	290	98348	491015	4768457	0,00059	0,00294	0,99706	48,5
35-39	330	98058	489465	4277442	0,00067	0,00334	0,99666	43,6
40-44	377	97728	487697	3787977	0,00077	0,00389	0,99611	38,8
45-49	530	97351	485430	3300280	0,00110	0,00354	0,99646	33,9
50-54	717	96821	482312	2814850	0,00149	0,00744	0,99256	29,1

55-59	935	96104	478182	2332537	0,00195	0,00970	0,9903	24,3
60-64	756	95169	473955	1854355	0,00155	0,00791	0,99209	19,5
65-69	1121	94413	469262	1380400	0,00239	0,01187	0,98813	14,6
70-74	1634	93292	462375	911137	0,00353	0,01749	0,98251	9,8
75+	3811	91658	448762	448762	0,00849	0,03339	0,98113	4,9
		87847	7735271					

l_x ни, яъни бошланган ёш гуруҳидан яшаётганлар сонини топиш учун 1 ёшгача бўлганларни 100000 нафар деб қабул қилинади ва 1-4 ёшгачаларни қуйидаги формула билан топилади. Яъни 1 ёшдан юқори ёшдагиларни топиш учун 100000 дан 1 ёшгача ўлганлар сони айрилади:

$$_1l_4=l_0-d_{0=}100000-534=99466$$
$$_5l_{9=1}l_4-\ _1d_{4=}99466-339=9127$$

Олинган натижани 5-9 ёш гуруҳидагиларга ёзилади ва шу асосда бошқа ёш гуруҳларида бошланган ёш гуруҳидан бошлаб яшаётганлар топилади (10-14, 15-19, 20-24, 25-29...75+).

Жадвалдаги катта L_xни, яъни ёш гуруҳида яшаётганларни топиш учун 1-ёшгача бўлганлар қуйидагича ҳисобланади:

$$_0L_1=\frac{l0}{4}+\frac{3*l1}{4}=\frac{100000}{4}+\frac{3*99466}{4}=25000+74599=99599$$

1 ёшгача яшаётганлар сони 99599 ни ташкил қилади.

1-4 ёшдаги яшаётганлар сони қуйидагича топилади:

$$_1L_4=1{,}9\cdot\ _1l_4+2{,}1\cdot\ _5l_9=1{,}9\cdot 99466+2{,}1\cdot 99127=397152$$

5-9, 10-14, 15-19...75 дан гача яшаётганлар сони қуйидаги формула асосида топилади (бу ёш гуруҳлар ўртасида 5 ёш фарқ қилади, шунинг учун n ўрнига 5 қўйилади):

$$_5L_{9=}\frac{5}{2}(_5l_9+_{10}l_{14})=2.5*(99127+99040)=2.5*198167=495417$$

Шу асосда 5-9 дан бошлаб 75 ёшдан юқоридагиларгача ҳисоблаб чиқилади.

Жадвалдаги T_x ,яъни Андижон вилоятида яшаётган шу ва барча кейинги ёш гуруҳида яшаётган аҳолини топиш қуйидаги формула асосида амалга оширилади.

$_0T_1$ L_x нинг жамига тенг бўлади. Вилоятда яшаётган ёш гуруҳидагилар жамлаб чиқилади ва Андижон вилоятида 1-ёшгача яшаётган ва бошқа ёш гуруҳидагилар биргаликда ёзилади:

$$_0T_1=7735271$$

$_1T_4$ ни, яъни Андижон вилоятининг 1-4 ёш гуруҳида яшаётган аҳолиси ва кейинги бошқа ёш гуруҳида яшаётганлар сони қуйидагича ҳисобланади:

$$_1T_4=\ _0T_1-\ _0l_1=7735271-99599=7635672,$$
$$_5T_9=\ _5T_9-\ _5l_9=7635672-397152=7238520$$

Шу асосда бошқа ёш гуруҳидан бошлаб шу ва барча кейинги яшаётган аҳоли ҳисоблаб чиқилади.

M_x – Андижон вилояти аҳолисининг ёш гуруҳидаги ўлим даражаси. Ўлим даражаси қуйидагича ҳисобланади: ёш гуруҳида ўлганлар сони ёш гуруҳида яшаётганлар сонига бўлинади:

$$_0M_1=\ _0d_1\ /\ _0L_1=534:99599=0{,}00536$$

1 ёшгача бўлганларнинг ўлим даражаси 0,00536 га тенг.

Бошқа ёш гуруҳидагиларни ўлим даражаси ҳам шу формула асосида топилади.

Жадвалдаги q_x – ёш гуруҳи бўйича ўлганлар сонининг жами аҳолига нисбати, уни топиш учун барча ёш гуруҳлари қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$q_x=\frac{2*n*Mx}{2+n*Mx}\cdot n$$

Бу ерда n – ёш гуруҳлари ўртасидаги фарқ.

1ёшгача бўлганларни топиш қуйидагича:

$$ {}_0q_1 = \frac{2*1*0,00536}{2+1*0,00085} = \frac{0,01072}{2,0034} = 0,00534 $$

1-4 ёш гуруҳидагилар қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$ {}_1q_4 = \frac{2*4*0,00085}{2+4*0,00085} = \frac{0,0068}{2,0034} = 0,00339 $$

1-4 ёш гуруҳидаги ўлганларнинг жами аҳолига нисбати 0,00339 га тенг.

5-9 ёш гуруҳидаги ўлганларнинг жами аҳолига нисбатини топиш учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$ {}_5q_9 = \frac{2*5*0,00017}{2+5*0,00017} = \frac{0,0017}{2,00085} = 0,0085 $$

Яъни 5-9 ёш гуруҳидаги ўлганларнинг жами аҳолига нисбати 0,00085 га тенг. Бошқа ёш гуруҳидагилар (10-14, 15-19, 20-24, 75+) ҳам шу тарзда ҳисобланади.

Жадвалдаги $\mathbf{p_x}$ – вилоят аҳолисининг ёш гуруҳида тирик қолиш эҳтимоли ни топиш учун 1 дан $\mathbf{q_x}$ ни айриб чиқилади, яъни 1 дан ёш гуруҳи бўйича жами аҳолига нисбатни айриб чиқилади:

$$ {}_0p_1 = 1 - {}_0q_1 \text{ қ } 1-0,00534 = 0,99661 $$

Шу асосда бошқа ёш гуруҳидагилар ҳам ҳисоблаб чиқилади.

E_x – Андижон вилояти аҳолисининг ҳар бир ёш гуруҳи бўйича ўртача умр кўриш даврини топиш учун 1 ёшгача бўлганлар:

$$ {}_0e_1 = {}_0T_1 / {}_0L_1 = 773527/100000 = 77,4 $$

Яъни 2009 йилдаги вилоятдаги 1 ёшдагилар 77,4 ёш умр кўриш мумкин. Бу эса вилоят аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 77,4 ёшни ташкил қилишини билдиради.

Мазкур кўрсатгич Республикада шу йили 73 ёшни ташкил қилган. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоят аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси Республика ўртача кўрсаткичидан 4,4 ёшга юқори. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткич бўйича қўшни Республикалар – Қозоғистондан (68 ёш) 9,4 ёш, Қирғизистондан (64 ёш) 11,4 ёш, Тожикистондан (68 ёш) 9,4 ёшга юқорилигини кўришимиз мумкин.

Келтирилган жадвал ва формулалар асосида вилоят аҳолисининг жинсий таркиби бўйича ўртача умр кўриш даражаси ҳам ҳисоблаб чиқилди. Ҳисобларга кўра: эркаклар 77,0 йил, аёллар 77,9 йил умр кўради. Эътиборлиси шуки, эркаклар ва аёллар орасидаги нисбат 0,9 ёшга тенг. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: вилоятда ўлган эркаклар ва аёллар нисбати 75 ёшгача эркаклар кўп ўлганини кўрсатади. 75 ёшдан юқори ёшдагиларда эса эркакларга нисбатан аёллар ўлими юқори.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Андижон вилоятида аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- “Саломатлик - 2” инвестицион лойиҳасини амалга ошириш (тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш);
- туғруқ вақтида чақалоқ ва оналар ўлимини камайтириш учун туғруқхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини, айниқса, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини яхшилаш;
- соғлиқни сақлаш тизимида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, шифокорларнинг малака даражасини ошириш;
- 2 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимни камайтириш учун болаларни эмлаш профилактикасини амалга ошириш;
- қишлоқ жойларда профилактик-даволаш ишлари сифатини яхшилаш чораларини белгилаш ва ҳ.к.

АДАБИЁТЛАР:

1. Солиев А.С., Комилова Т. Тиббиёт географияси. - Т.,2005
2. Қодиров Р. Б. Аҳоли ва меҳнат ресурслари. – Андижон., 2010
3. Shyock Etal. Metods and materials of demofraphy. Cairo 1980
4. Андижон вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари
5. www.cdc-egypt.eg

Андижон давлат университети
2011 йил 4 майда қабул қилинган
(Тақризчи: г.ф.н. Р.Қодиров)